

Сирожиддин РАУФ

**ИКРОР**

Сенсизликда ношуд, афтода, хорман, Кўзимдан нур кетди, белимдан қувват.

Хилвирок вужудга бўларми дармон Сурхон офтобида пишган мухаббат?

Қарши чўларидан келдим улоқиб, Тентидим Жаркўргон кўчаларида. Изингни изладим Ой – чирок ёқиб, Кўёни бой берган кечаларида.

Аслимга қайтаман сенга эришсам, Некбинлик – кўнглиминг азал улфати. Афус, хижронларга тобора эшсан, Руҳингни маҳв этган рашикнинг кулфати.

Куман – фаришта бўулмадим мен, Маломат тошидан дуне караган. Тановул килдими улолмадим мен, Закум дараҳтининг меваларидан.

Бир ўзим биламан, Яратган гувоҳ, Нимада қувоним, нимада гамим. Ирмоклар сувидан хўлланмас тамоқ, Ташна дил қашмаси ўзинг, замзамим.

Келмишим умиддир, кечмишм – завол, Умрим бисотида орзуманд ўй бор. Сахарга топиниб турибман ҳалол, Тийра хотиралар тизгинин кўйвор!..

Сирли мактуб каби йилларни йўллар Ва бўшаб боради ҷархнинг садоги. Тусланиб лаҳзалар ўзича авар: Беш кунлик дунёнинг йўқ деб адоги.

ИЛХОМ АҲРОР

Елка ёр бермайди. Икки йилдан бўён тўшакка михланиб ётган кўшним Сойибни бир кўриб чиқишига куч тополмайман. Неча бор, элнинг юз-кўзи учун ҳам унинг ўтишм керак, деб ўйладим. Лекин ҳар сафар нимадир мени тўхтатиб қолади.

– Махаллада бу одамнинг гаразгўйлиги гирифтор бўлмаган оила йўқ, – ён кўшним Мажид ака очигини айтди. – Қанча ёшларнинг у тифили турмуши бузилмади, кимлар унинг дастидан асаб, юрак хасталигига учрамади, дейсан. Ён кўшними уч бор алмашди. Ҳеч бирини яшашига кўймади. Лекин... беайб парвардигор. Сиз унинг олдига боришиниз керак... Ўзи айтди. Бир кириб ўтаркансиз. Гапи бор экан. Туш кўрдим, дейдими-е! Қанакадир тош хақда гапирадими-е... Тушунолмайсан. Ўдагиларнинг айтишчила, алаҳисарганда номинизни тилга оларкан. Ўзига келганда ҳам, Ҳамид келмагунча ҳудойим омонатини олмайди, деркан. Сиздан нима кетди? Бир кўриб чиқинг уни. Таниш сифатида бунга ҳожат йўқдир, лекин кўшничилик ҳаки учун шундай килишиниз керак.

Ўйлаб-ўйлаб Сойибнига ўтишга қарор килдим.

Дарвозасидан киарканман, сўнгти учрашивимиз кўз олдимда жонланди.

Эрталаб ишга отланганимда, томоркасига сув тараётган экан. Катта ўйлаб-ўйлаби кетди.

Сирожиддин РАУФ

ИЗИНГНИ ИЗЛАДИМ ОЙ – ЧИРОК ЁКИБ

Ялт этиб ўтади шодумон кунлар, Қайгули онларнинг қадами оғир. Эзгулик ҳамиша яшаши ундар, Қабоҳатдан юрак симиллаб оғир. Мўмин солим турар – исён килмайди, Қанча чулғамасин ранж-алам доми. Эрта не кутмоқда, ахир, билмайди, Машрабнинг дорими ё!

Жамшид жомми?!

Шундан бу дунёнинг эргаси азиз, Кўзларга тўтиё тогу дашиб ҳам. Яхшиям, бандаси билмайди ҳаргиз – Эрта не кутмоқда?..

Билмас яхшиям!

* * *

Дили қани Бедилнинг?..

Азиз САЙД

Дилим, вужудимнинг жавҳари дилим, Зувалам корилган пайтда бормидинг? Сени таниб билдим, о, ҳаёт сўлим, Руҳимни ияртган кўйга ёрмидинг?

Дилим, жаннатга хол бўлгалик дилим, Бехишти заминдан излади Ҳаво, Ишкнинг манзилига туташиб ўйлим, Мен-да кувгандиман,

мен – Одам Ато.

Дилим, озурдао ишқталаబ дилим, Заминга эл бўлган асл самовий. Таърифингдан тилим-тилимдир тилим, Ривоят тўқиёдиди юз мингта ровий.

Дилим, азал-абад чироғи дилим, Паргавинг бомдодлар нурдан нурли. Фанода ишқ ўйли бекиёс илм, Ошикман, умримнинг

жузыи сурурли!..

АДОЛАТ'

Алмисокдан бери ўтди не замон, Одам болалари адолат дейди.

Мукаррам бўлибидир қай замон инсон, Айтинг ва кўрсатинг далолат дейди. Билганим, минг шукр,

охир пайғамбар

Дастур деб келтирган

муқаддас китоб –

Итоат айласанг, на дард, на ғам бор,

Йўлдан адашманг деб янграган хитоб. Аламки, рост-ёлғон килгай овора, Иблис хуружидан ҷарчаган олам. Булутдек ёприлиб нафси аммора, Ҳайҳот, бандаликдан тонади одам. Алҳазар, ўзини ҳудодек сезиз, Ҳақсиз ҳукм сурса мустабид ҳонлар, Замин қабоҳатдан кетгандиа безиб, Дунёга келади соҳибкоронлар.

Изланиб юради инсон тобакай, Бокмасми, Яздийнинг буюк хатига, Бир табок олтинни тутиб болакай

Кезолган Темурнинг салтанатида.

Чирок кўтарганни олқишилар жаҳон, Мазлумлар умидвор,

золимлар пурғам.

Эзгулик кўшкида тургай бегумон, Ҳазрат Амир Темур адолати ҳам.

ИСЛАНБУЛ

Истанбулни кездим кундузи, Ҳайрат туйдим, кўрдим бир викор.

Қаҳқашонми, дедим ер юзи –

Кечалари сайр этиб тақор.

Қўчаларда ўтмиш суврати,

Қўчаларда келажак нуқси.

Аламларим шундан кувради,

Армонларим тарқади бурксиб.

Ўйларнинг тарҳлари тоза

Турклигидан масрур усмоний

Кардошларга бўлгай андоза –

Тарқ этармиз кибр осмонин.

Чириб битгай ғаним кадаган

Адоватнинг мараз ургу.

Ёд олинар яна кайтадан

Буюк Билга Ҳоқон ўйруги.

Ога-ини юрагида ўт,

Қўзларида, зимдан сезилар,

Буюк Турон орзуси ёхуд

Туркистон кайгуси сизилар.

Нима бизга, уйғонсак чиндан,

Эркимизга кўйилмас тақик.

Колиб кетмас киличлар кинда,

Ғадор ёвлар бўлолмас ракиб.

Ботиндаги минг ийлини дөвуш,

Аҳдга ялан, янга барадла.

Бирлик деган қаломга ковуш,

Дорвуғинг дунёга таралар.

Истанбул, ҳамиша обод бўл,

Оташ туйгуларнинг қозони.

Ташнишни кўркаб юраман? – тутакиб

кетдим. – Жонга тегиб кетди-ку!

Тошни кайта олмокчи бўлиб, пастига ка-

радим. Аллақачон кеч тушган. Шагал ёйил-

ган йўлда тошлар кўп бўле ҳам кўрини-

масди. Ерни пайтаслаб уларнинг бирини

олдим. Кўзимга якироқ келтириб қарасам,

ҳалиги тош. Яна ўшани олибман. Жаҳл билан ўрнидан туриб, у томон юра бошли-

дим. “Бориб бандни очаман, гинг деса шу

тош билан миясининг катигини чиқараман,

– деб ўйлаб борардим. – Қачонгача бундай

Бунда мудрамокка бермас йўл, Найзадор масжидлар азони!

* *

Рутубат уфурар, ҳаво булуғли, Қунишиб қўёшдан сўрайман сочки. Изғирин кунлари на эпли, шудли, Туннинг-да тозлари тўзғин ва сочиқ...

Не замон, юлдузлар бермайди нишон – Сокин кенгликлардан кувилган ноҳақ, Мўйсафид бобога ўхшайди осмон

Ўжар жужуқларнинг ўйлига илҳақ.

Ранго-ранг тус қайд? Еру кўк опок, Аёз бўғотларда кўрсатар тишин. Сепалаб ўтгувчи булуғлар мутлок Ювиб уdda кильмас

корнинг килмишин.

Яшил изларига зор этиб тақор, Мунча мулатмаса баҳор – ёсуман. Қунишиб максадга етмайди жондор, Men-да гижирлатиб қадам босаман!..

ЯНТИЙИЛ**ОҚШОМОИДА**

Ташкарида ажиб бир ҳолат. Дилда Қор согинчи каби бир мубҳам туййи. Ҳайқирдим, кўўл чўзиб гўёки килга: – Эски йил қаърига чўқипман, ёху!..

Танамни куткарап дўсту ёронлар, Бирок руҳим қайд, ҳеч ким билмайди. (Ҳар қандай илтиғи гашим кўзгатар, Қадрдан хислардан кечгим келмайди.)

Шодон давраларда табриклар янграв, Янги тилакларга айланмас тилим. Ох, маҳзун ҳолимни бунда ким англар?..

Кўзимда шашқатор қўнглиминг сели.

Ўтмишга алвидо десам батамон, Балки эрта бир қун афус кильмасман. Лекин мухаббатим – ул эски армон, Ултўзал кайтумни топа билмасман...

Hikoya

Зиё НАЖМИЙ

**ПУПРОФИНДАН
ҚУВВАТ ОЛДИМ****ВАЛЖАН**

Кўлга тутдинг ушиб созим, куйла деб, жоним, Ватан! Бир умр куйлай сени, эй, тоза вижондим, Ватан!

Тупрогингдан қувват олдим, оғтобингдан кўзга нур,

Сен ишончим, сен таянчим,

ҳам шараф-шоним, Ватан!

Фаҳр этарман Яссавийнинг покизга руҳи билан,

Асли насли соғ, мусаффо,

тўғри иймоним, Ватан!

Султон РАЕВ,
Қирғизистон халқ ёзувчisi



— Мархумни сувга ола бошлаши, — деди бўз уйдан чишиб келган чўкки соқолли ёш мулла.

Йўқловга келган одамларнинг оёги тортилиб, ўқириб йиглаб келгандар хам тинчиб колганди. Бўз уйдаги аёлларнинг хам уни чикмай колди. Ёш мула тўғри Жўмардинг олдига келиб:

— Майтни сувга ола бошлади. Сиз хам кирализми? — деди.

Жўмард бу саволга нима деб жавоб беришни билмай, ёнида турган кекса оқсоқолга қаради. Чөл ёш мула бир караб олди.

— Жўмард ўғли бўлса-да, — гап бошлади чол энсаси котиб, кўзини чақчайтиб, — у кўпдан бўён шахарда яшаган учун бунака ишларнинг расм-русумини тушунмайди. Якин кариндошларидан бошқа бирортаси кира колсин, — деди гапнинг индаллосига кўчиб.

Жўмард бирор марта бундай ишларни бошидан ўтказмагани боис нима дейишини билмай хижолат бўлиб турагч, оқсоқол буни пайкараб, ёш мула шу жавобни берганди.

— У ҳолда мархумнинг якинларидан ким киради? — деди мула чолни сўрока тууди.

Бу чол Жўмардининг амакиси, овулнинг кексаларидан. Гаплари хам ўзи каби ажабтурвэр эди.

— Мен кираман, — деди Жўмардинг ёнида турган жияни овоз чикари.

У хам шу овулда туради. Бобоси билан жуда инок эди. Хали отасини йўклаб йиглагандар орасида шугина йигитнинг йигиси баландроқ эшигиланди. Нима килса хам бобоси. Юрек юракдан йиглади...

Жиянини кўриб Жўмардинг меҳри товланиб кетди. Бу йигит синглиси Тўлғонойнинг катта ўғли. Якинда уйланган. Кап-катта одам бўлиди. Ичкарида бўз уйда синглиси Тўлғонойнинг отасини йўклаб жон койитиб йиглаганини эшитиб Жўмардинг кўнгли бузилиб кетди. Кичик синглиси Асилнинг йигиси бир эшитилиб, бир узилиб колишининг сабабини эса Жўмард тушуна олмади. Ора-сира йигиси бир-бир чишиб колмаса, йўқлови тузук-куруқ эшитилмади хам. Хорижда юравергани учун чин юракдан йиглашни унтиб юборгандек туюлди унга. Бўз уйда йиги йўқлов килаётган аёллар орасидаги хотинининг овози эса буткул эшитилмади. Ҳатто йиглаб хам кўймади. Ахир, шахарда ўсган бўлса, бунака нарсани каёқдан хам билсин?

— Кир, болам, кир... Бобонгни яхшилаб юв... савоби тегади, — деди чол унга юзланиб.

Жўмардинг отаси шу овулнинг оқсоқоли эди. Жони узилганига иккى кун бўлди. Бу ердагилар, якинлари олиса, Россияда юрган кичик кизи келсин деб, бир кун кутишиди. Жўмардга хам хабар кеч етиб боргани учун, отасининг сўнгги сўзини тузук-куруқ эшитолмай колганидан армонда.

Отаси ўлими олдидан тушунуксиз гулдираб, “Сув! Сув!” деб кайта-кайта тақрорлайверди... “Оғзи куриб, чанқаб колиби-да”, деб оғзига сув томизиб турса хам, халиги айтган сўзини тақрорлашдан тўхтамади. Ора-сира ўғил-кизи, Жўмард билан Асилнинг отини айтиб, “улар келдими” дегандек ишорат килган бўлмаса, тилядан “Сув” деган сўз тушмай, шу сўзни айтиб жони узилди.

Булат учаласи туғишганлар. Икки киз, бир ўғил. Каттаси Жўмард. Онасининг қайтиш килганига бир йилдан ошиб, иккинчи йилга хам ўтди. Қариганда уларнинг худди киндиги бирдек, бир-биридан ажралмай колишиганди.

Кампир тирик пайтлари чолнинг шаҳди баланд, ёши бир жойга бориб колса-да, анчайин дадил кўринди. Отаси бир умр шу овулда мираблик килиб ўтди. Кампир ўлгандан кейин чол буткул чўкиб, ўзини анча олдириб кўди. Бошка уйда яшасада, Тўлғоной отасининг кўзу кулогига айланаб, ёрта оёги келиб, иссиқ-совугидан ха-барлашиб турди. Қариганда кампирдан айрилиб колгани чолга худди бир қовургасини йўқотгандек туюлди.

Онаси бечора хам яхши аёл эди. Эрта кетгани одамга алам киласди. Отаси хам кампирига бўлган меҳри туфайли, у дунёда ёлғизлатиб кўй-маслик учун теззок унинг ортидан кетгандек, гёре.

Жўмардинг отаси кампирининг йили ўтгандан сўнг уч-тўрт кунга шахарга борган. У

Бишкекда кўп тура олмади. Самолётдан тушган дакикадан бошлиб, келган жойини соғинига колди. Қаттик соғинган. Сафарга чиқиши ёктирилди. Бунинг устига кампири ҳам йўқ. Ўғли, келини, ёлғиз чечакдай набирасини кўриб келайн, деб шахарга келганди. Бунга хам Жўмард кайта-кайта телефон килиб, келишга зўрга кўндириган. Тўлғонойга кун ора телефон килди. “Отами самолётта чикариб, кузатиб кўй”, деб. Ота хам шу сабаб ўғлининг келиб қолган. Бир томондан набирасини соғинган. У хам ўн ёшга кириб колди. Жўмардинг аёли шахарлик. Қайнота-қайнонаси шу шахарда туради, умри ўша ерда ўтган одамлар. Иккалasi хам профессор. Фанлар академиясида ишлайди.

Жўмардинг аёли фанлар номзоди, университетда дарс беради. Отаси бу ерга келса хам келини, набираси билан кўнгилдан сухбат кура олмайди. Келинининг билган сўзи “Ота, чой ичин”, “Ота, келин”. Бундан бошка сўзга тили келмайди. Ўқиши хам Москвада битириб келган. Набираси эса, “Бобо” деган сўздан бошкасини билмайди. Отаси келса, Жўмард тилмочилик килиб, таржима килиб туради. Шунга отасининг юраги сикилиб кетарди. Бу хам етмагандай тунд бўлиб олиб, ичидагини бирорвога айтгиси келмасди.

Жўмард Бишкекнинг кичикроқ, ўн иккичи туманида яшарди. Уйининг деразасидан тог шун-

СУВ

док кўриниб туради. Отасининг эртао кеч томоша килгани шу тог эди. Болохона дераразасидан бошини чиқариб олиб, ўша тоғлардан кўзини узмай карайверарди.

Бир гап гапдан гап чиқиб, Жўмард отасининг бу килигини юзига солмокчи бўлган. “Тоғларнинг орасида юриб, тогдан безмадингизми?” деган.

Отаси унга, одатдагидек, кўрс жавоб бериб: “Тоғдан безадиган бўлсан, кирғизлигим каерда колади? Тоғ менинг жоним!” деган. Арзимаган томошани, деб отасининг бундай кўрс жавоб бергани Жўмардга тъясир килиб, кўкрагига найзадек ботган. Шундан сўнг бирор нарса деб сўрашга хам кўриб колганди. Жўмард боласини елкасига опичлаб, тоқка олиб бориб келишга хам вакт топмаган. Тоғ унга жуда олислек туюлган. Ҳозир эса бунга афсусланиб ўтиради.

Жўмардинг отаси уйдан эрта тонгда чиқиб кетарди. Каёққа бораётганини ўғли хам билолмай коларди. Эрта тонгдан отасининг уйдан чиқиб кетишига парво кильмай, кенгликка ўрганган одам, тўрт девор уйда камалиб ўтириб, зерикиб кетгандир, деган ўйга борган.

Отаси учун эртаси тушдан кейнинг билет олиб кўйганди. Унинг ахволини кўриб, худди бургутни кафасга солиб кўйгандек, айборд хис этди ўзини. Чол эрта тонгда чиқиб кетади-да, бир соатлардан сўнг кайтади. Келганди ўғли хам, келини хам ишга кетган бўлди. Ўғлиз қолган набираси унга эшикни очади. Отаси кўлнини юваби, сочика артингандан кейин, набираси кўл имлаб, стол устидаги овқатга чакиради. Билган сўзи “Бобо”. Иккалasi узок вакт жим ўтиришади. Чол кирғизалаб нимадир дейди, набираси ўрисчалаб жавоб бергандай бўллади. Иккалasi хам бир-бирини тушунмайди...

Бугун хам шундай бўлди. Чол кош корайганди уйдан билдиримай чиқиб кетди. Жўмард ташкарига чиқиб, тезда кайтади деб ўйлаганди. Отасини анча вакт дарар бўлмади...

Жўмард воқеа жойига етиб борса, кизил шляпали семиз аёлнинг кучугуни машина уриб кетиди. Аёл тўполон килиб, хайдовчига дўй килиб ётари.

— Бу ит канча туришини биласанми? Тўрт минг доллар, бу киммат, зотли итлардан, — деб чакчайиб ўдагайларди.

Жўмардинг кинидан чиқиб кетаётган юраги жойига келди. Йўлнинг нариги томонидаги бокка караб юрди. Ҳар хил хаёлларга бориб, кадамини теззатди. Отаси кўринибди. Бог ўртасидан ўтган сой бўйлаб тог томонга ўйл олди. Шу ёлғиз ёк ўйл билан тог тарафга борса бўларди... Анча юрди. Чидай олмай, карши тарафдан келаётган йигит ва издан:

— Шу атрофда бир чолни кўрмадиларингми? — деб сўради.

— Орқада келаётган оқсоқол эмасми? — деди киз бурилишда кўринган.

— Ха, раҳмат, ўша, — деб отасини олислан кўрган Жўмардинг юзига кон югурга бошлаганд, безовта юраги жойи тушганди. Қария суви кўп катта сой бўйлаб боф тарафга шахдам кетиб борарди. У отасининг ўйлини тўсийи чиқиб.

— Овулингизни жуда соғинганга ўхшайсиз? — Жўмардга отаси кўнглидаги сирни ошкор килгандай туолиб кетди. — Эртага тушлиқдан кейинга билет олдим... Тўлғонойнинг ўғли сизни кутиб оладиган бўлди.

— Яхши килибсан, — отасининг юзидан на куногани, на ўқингани сезиларди. Бир муддат жим бўлиб колди. — Сизларни хам кийнамай, энди бора колай, — деди чол чукур хўрсанини.

— Кийнамай деганинг нимаси? Келганингизга баримиз хурсанд бўлиб колдик-ку, айникса, набирангиз... — Жўмард сўзларига ўзи хам ишонмаётган бўлса-да, отасининг кўнглини кўтаргиси келди. “Каердан хам хурсанд бўлсан, ёзилиб гаплаша олмаса? Гаплашадиган гап бўлмас, нимани хам гаплашишарди?”

Жўмардинг бу сўзлари чин юракдан айтилмаётганини отаси хам ич-ичидан сезиз туради.

— Шу кунларга етказганига шукр... — деди отаси сир бой белгиси келмаса-да, юзи ёршишади. — Кўрдим... кўнглим хотиржам бўлди. Энди яна качон келаман, ёлғиз Аллоҳнинг ўзи билади, — оғир хўрсанини давом этидя кария. — Омон бўлсаларинг бўлди.

— Манави ариқнинг бошига қадар бориб келдим, бир култум сув йўқ. ...Дараҳтлар курни борарапти, — деди чол, гапни бошка томонга буриб. — Ариқнинг куриб қолгани яхшилидан нишона эмас...

— Бизда шундай... Шаҳарда... сизларинг овларларига ўзимиз, туну кун шарқираб сув оқиб турдиган, — деди Жўмард отасининг кош-ковогига караб. — Бу томонларда сув танқис.

— Химмм... — чол унсиз бош чайкади.

Жўмардинг ўшлик чорги отаси айтган бир гап эсига тушиб кетди. У хам сув тўғрисида эди.

— Ота, эсингиздами, бизни доим уришар эдингиз. Сувга тупурма, сувга ушатманлар, деб. Бир гап сувга караб ушататганимда таёк билан урганинг хали хам эсимда... — Жўмард отасидан гап олиш учун шу гапларни айтганди.

— Тўғри килган эканман... — деди отаси ўзига хапиргандек. — Шундан бўён гапимга кирмай келаётган экансан-да?

— Йўқ, йўқ... бу ёшлик пайтим бўлган, — Жўмард отасига ўтич билан караби.

— Эрта тонг ва кош корайганди уйдан чиқиб кетаётганимни хеч пайқадингми? — деди чол ўғлини суволга тутиб.

— Нега пайқамайин, пайқадим... Сиз билан бирга чайк десам, унамайсиз. Набирангизни хам эргаштиримайсиз, — деб ичидагини айтиб олди.

Чол ўйланиб колди, жавоб бермади. Бир муддат жим турди.

— Мана, сен сув танқис дейсан?! — деди отаси йўл бўйлаб келар экан. — Албатта, сув танқис бўллади-да, сувга караб чоптириб турсаларинг. Ичаётгандаринг хам сув, исроф килаётгандаринг хам сув, — чолнинг пешонаси тириша бошлади.

— Ўзинг айт, нега отанг эрта тонгда уйдан чиқиб кетади, биласанми? Мен сувга караб ушаталини майманди. Ким сувга караб ушаталини? Одам боласи сув билан келган, ўлганди хам сув билан кетади... сув табаррук! Сувнинг уволи бор! — деди отаси, кўпдан бўён айтольмай юргандарини айтишига ботиниб.

Жўмардин кўпдан ўйлатиб юрган, отасини нима кийнаётганини энди тушунгандай эди. Отаси нима учун ўйда тура олмаганини англагандек бўлди. Чол хожатхонадаги сувга караб ушаттиси кельмай, узокларга бориб юрган эканда?! Жойи жаннатдан бўлсан! Отасининг бу гаплари ўшанда худди ўшшигига таёк билан ургандек бўлганди...

“Сув” деган сўзни эшигандана, отасининг шахарга бориб айтган шу аччик гапларини эсларди.

— Мархум сувга олинди. Энди жанозага ўтинглар! — деди бояги ўш мулла.

ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИМЛАРИ

Ўзбекистон Қаҳрамони
Иброҳим ҒАФУРОВга:



Бугун ҳақда ёсангиз,
Қайнатардик бир козон!

Ёзувчи
Шойим БҮТAEВга:



Юрсангиз бўлади рўддайиб,
Ёзувчимиз Шойим Бўтаев.
Ёзган асарларингиз зўр,
Маҳорат кетмоқда кучайиб!

Ёзувчи
Абулқосим МАМАРАСЛОВга:



Шеърларингизни ўқиб,
шеър ўқинши ўргандим,
Шеърларингизни ўқиб,
шеър тўкини ўргандим.
Лаб ҳакида жуда
кўп ёзисиз, Абдулла ШЕР,
Шеърларингизни ўқиб,
мен ўшиши ўргандим.

Ўзбекистон ҳалқ шоири
Усмон АЗИМга:



Шеър ёзинг, Устоз,
Иҷиб минерал.
Сиз шеъриятда
Ахир, генерал!

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси
Исақон СУЛТОНОВга:
Ўтмишин зўр биласиз,
Ёзасиз жуда осон.

Абдураззоқ ОБРЎЙ ҳазилкаш

Ўқиган китобларим
Босар тарози тошин.
Устоз, айтинг-чи, качон
Берасиз менга мосин?!?

Исақон Султоновга:

Adabiy-badiy nashrlar

“Жаҳон адабиёти” 2023 йил ноъябр сони

Журналнинг илк саҳифаларида атоқли навоийшунос олим Абдуқодир Хайтметовнинг илмий меросидан бир намуна – “Ишқ ичра ўтлуг достонимни тиланг...” деб номланган мақоласи берилган. Унда муаллиф Навоий лирикасидаги марказий қаҳрамон – лирик қаҳрамон, унинг образини таддик килинган.

Шаркнинг буюк шоири Ҳофиз Шерозий газаллари жаҳон адабиётининг гултожларидандир. Форсийдан Сирохиддин Сайид таржимасида тақдим этилган Ҳофиз Шерозий назмидан наумулар мумтоз шарқ шеърияти мухлисларларига муносаби тухфадир.

Нобель мукофоти совриндори австриялик ёзувчи Эльфрида Елинекнинг “Машукалар” номли романидаги бугунги куннинг ўтирик ижтимоий муаммолари тасвирланган. Асарни немис

тилидан Мирзаали Ақбаров таржима килган. Мисрлик ёзувчи Мунир Утайбанинг “Кавказ арслони” киссаси XIX асрда Россия империяси Кавказни босбос олиш максадидаги олиб борган урушни ва унга карши миллий озодлик харакати етакчisi Имом Шомилнинг олиб борган кураши, хаёти ҳакида. Киссанни араб тилидан Муртаза Сайдумаров таржима килган.

Абу Райхон Беруний таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан алломанинг “Минерология” асаидан айрим парчалар Ахмаджон Мелибоев сўзбошиси билан берилган.

Александр Блокнинг “Шоирлик ўзгармас киймат” сарлавҳали маъруஸидаги (таржимон Салим Ашур) муаллиф шоир ким, уйгунлик нима каби шеъриятнинг азалий муаммолари ҳакида теран мушоҳида юритган. Шунингдек, ушбу сонда Турсун Алининг “Сарҳад билмас шеърият”, Ш.Хожиевнинг озорбажонлик адаби Ҳусайн Жовид ижоди ҳакида, А.Алимбековнинг “Ўрхон Камол ҳақиқатлари” мақолаларини ўқиисиз.

Kulishaylik

Техаслик ёзувчи ўзининг нью-йорклик дўстига деди:

– Мени табриқла, янги пъесамни ёзиб тутатдим.
– Номи нима?
– “Ҳамлет”
– Ҳазиллашма-э! Нима, сен Шекспир ҳакида эшитмаганмисан?

– Ҳайронман! – қичкирди техаслик. – “Макбет”имни ёзганимда ҳам менга ўша ўтигит ҳакида гапиришганди!

– Қанчалар ёмон таржима! Бу романни ким таржима килганини билмайсизми?
– Ҳеч ким, бу аслият-ку!

– Икки адаби учрашиб қолди.
– Куни кеча дўкондан сенинг янги китобингни сотиб олдим...

– Ҳа, ўша сенмидинг?

Ёзувчи:
– Қандайдахшат! Кеча кечурун уйга борсам, уч яшар ўғлим кўләзмаларимни йиртиб отиби.

– Кўйсанг-чи, наҳотки, у ўзишини биладими?!

– А.Дюомадан таникли танқидчининг дағн маросимига беш франк беришини сўраши.
– Мана ўн франк, – деди Дюома, – яна биттасини кўшиб дағн кила колинглар.

– Бир хоним Бернард Шоудан яхши ёзувчи бўлиш учун қандайдахшизи лозимлигини сўради. Шоу деди:
– Чапдан ўнгта караб ёзилади.

Аввал ёзувчилар тугиларди, хозир етишириляпти.

Ёш ёзувчига тажрибали котиба керак.

– “Бальзак ёшидаги аёллар” ҳакида ўқир эканман, яқиндагина Бальзакнинг 225 йиллигини нишонланганимиз ёдимга тушаверади.

Тош асири кўләзмалари ёнмайди, чўқади.

Агар Толстой билан Достоевский учрашиб колгандан, биргалиқда “Уруш ва телбалар” романини ёзишармиди.

– Ўғлим, Есенин сенинг ёшинда шоир сифатида танилиб бўлганди.
– Дада, у сенинг ёшинда ўзини осганди.

Кунданаликлари асарини ёзиб тутатдим.


Ушбу ҳикоямни топиб ўқиб оларсиз, деган умиддаман. Агар топа олмасангиз, унда жуда ачинарли ҳол бўлади, чунки у дунёдаги тенгни йўқ дурдона асардир.

Сценарий ва ҳикоялардан сўнг роман ёзишга киришдим. Шунда миямга ватандош ёзувчиларни меснисмайдиган ноширларни алдаша фикри келди. “Кундуз жонзотининг сўнгти мухаббати” романим учун чет эл ёзувчиси исмими ўйлаб топдим. Ўзимни эса, унинг таржи мени сифатида танишитирдим. Ёмон бўймади – 500 лира мидоридаги қалам ҳакида олдим. Ношир ҳийламни сезмайди, деб ўйлагандим. Лекин у барибир бироз вакт ўтгач, ўша нусхага яна бир роман ёзиши буоришими сўради.

Агар пул масаласида кийналиб қоладиган бўлсан, ҳозиргача ўша гайридиндан асар ёзишини сўраб ва шу йўл билан топган пулим эвазига аранг тирикчилик киляпман. “Бу яхши, албатта, лекин унда нафсониятингин қандай кондирасан?”, деб сўрашиниз мумкин. Бунинг учун мен бирорта гайридиннинг романини турк тилига таржима килиб, ўз номимдан чиқараман.

Рус тилидан
Муҳсин ФАНИЕВ таржимаси

Gul ko'r, chaman ko'r...



БОЛАЛИК ТҮЙГУЛАРИ

Маргарет Митчел болалигиде ёзганларини ўзи китоб холига келтириб, муковалар ясаган. У Эдит Несбитнинг “Беш бола ва маҳлук” ва “Феникс ва гилам” романларини кизикиб ўқиган. Бундан ташкари, Диккенс, Шекспир ва Вальтер Скотт асарларини яхши кўрган. Маргарет тўккис ёшида хайвонлар ҳакида эртаклар ёзди. Ўн бир ёшида ўзининг “нашр компанияси” – “Urchin Publishing Co”ни очади. Кейинчалик Митчел асарларини муковаланган дафтар-китобларга ёзган. Ўсмилигига мактаб-интернатдаги кизлар ҳакида “Катта тўртлик” номли романини ёзди. Роман кўләзмаси йўқотилган, дейшида. Унинг бир кисмини Митчеллнинг ўзи ёкиб юборган. Колгани ёзувчининг вафотидан сўнг ёкилган.

ПСИХИАТР БЎЛИШ ИСТАГИ

Онаси шамоллаш оқибатида 1918 йили вафот этгач, у психиатр бўлишга карор киласди. Смит-колледждаги ўкишини ташлашга мажбур бўлади, чунки уйига кайтиб, отаси ва акасига гамхўрлик килиши, ўй юмушларини зимасига олиши лозим эди. Коллеждаги ўкувилик даврида яна бир айриликни бошидан кечиради – қайлиги Клиффорд Вест Генри биринчи жаҳон урушида, Францияда ҳалок бўлади.

ЎЗИНӢ “ҲАВОЙӢ ГУЛ” ДЕБ АТАЙДИ

Митчелл Атланта давраларида таннозлиги, нозушиларни билан донг таратган. Шархловчи Полли Пичтри 1922 йилда Маргарет ҳакида ёзди: “Ўзининг киска ҳаёти давомида унга маҳлиё бўлганлар шунчалик кўп энди, Атлантада ҳеч кайси хоним унга тенг келоласди”.

ИККИ ЭРНИНГ АҲИЛЛИГИ

1922 йили у биринчи марта эрга тегади. Унинг танланганин Барриен Ашпоу (Атлантада уни Ред деб аташарди) контрабандачи эди. Бу турмуш бошиданоқ умидсизликка юз туттанди. Барчаси Ашпоунин ичикилобозлиги ва маҳбусагига шафкатизларча муносабатидан бошлидан. Маргаретнинг иккинчи эри – Ашпоу билан тўйларда машинани бошқарган Жон Марш бўлади. 1925 йилдаги никодан сўнг ўзининг кизлик фамилиясида колишина маъкул топади.

“THE ATLANTA JOURNAL” МУХБИРИ

Ашпоу билан бирга яшаган вақтида Митчелл яшаш учун ўзи пул топишига мажбур бўлади, журналга шархловчи сифатида ишга жойлашади. Бу ерда Маргарет 129та макола, 85ta ҳабар баир канча китобларга тақриз ёзди.

ЗЕРИККАНИДАН БЎЛУК РОМАН ЁЗДИ

Митчелл тўпиқдан жароҳат олиб, мухбирлик фолијатига нутка кўяди. Эри Жон Марш кутубхонадан ёзувчига мазмунни ўтказиши учун бир дунё китоб келтириб беради. Бир гал унга Remington Portable № 3 ёзув машинасини совға килиб, асар ёзишина маслаҳат беради: “Худо ҳайрингни берсин, Пегги, бошқаларнинг минглаб китобини ўқигунча ўзинг битта китоб ёзсанг-чи” дейди унга эри. “Шамолларда колган хисларим” асари шу тарика ёзилади. У бирданга Биринчи жаҳон уруши даврига оид Скарлет О’Хара ҳакида романини ўзишини бошлайди.

ҲЕЧ КИМГА БИЛДИРМАЙ...

“Шамолларда колган хисларим” (1037 саҳифа) романини ўн йил ёзган Маргарет китоб устида ишлаётанини на бирон таниши, на онласидагилар билишини истамаган. Mental Flossning келтиришича, “Бир гал меҳмонлар келиб колгандар, меҳмонхонанинг полига сочилиб ётган роман кўләзмасини яшириш учун устига гилам тутшаб юборган”.

СКАРЛЕТ О'ХАРА РОЛИДА ВИВЬЕН ЛИ

Скарлетт О’Хара ролига таҳминан 14000 актиса синовдан ўтказилади. Муҳлислар оломони ўзларининг севимли актисаларига овоз беришади, аммо Вивьен Ли биргина тарафдор чиқади. Маргарет Митчелл актисани кўрганда “Мана шу менинг Скарлеттим” дейа, уни танлайди.

МАСТ ҲАЙДОВЧИ

1949 йил 11 августда Маргарет эри Жон Марш билан кинотеатрга кетаётганда уни машина уриб кетади. Ҳайдовчи маст эди. Орадан беш кун ўтиб, 16 августа Маргарет касалхонада ҳаётдан кўз юмади, у эндигина 49 ёшининг бир неча ойини яшаган эди.

ЖУМА КУНЛАРИ

ЧИҚАДИ

Сотудва наҳри эркин.



ISSN 2181-6140



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент-100066,
Бунёдкор кўчаси, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшмаси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош
мухаррир
Хумоюн